

КУСАЙНИНГ МАККА БОШҚАРУВИДАГИ РОЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8091096>

З.Н.Шакирова

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар”
кафедраси доценти, т.ф.н*

Аннотация

Ушбу мақолада исломдан олдин Арабистон ярим оролида, хусусан Макка шаҳридаги бошқарув тизими, унинг кескин ривожланишида муҳим рол ўйнаган Қусай ва унинг авлодлари амалга оширган ислохотлар ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

Арабистон ярим ороли, Макка, Қусай, уруғлар, қабилалар.

Аннотация

В данной статье анализируются сведения об административной системе на Аравийском полуострове до ислама, особенно в городе Мекке, и о реформах, проведенных Кусаем и его потомками, сыгравшими важную роль в ее быстром развитии.

Ключевые слова

Аравийский полуостров, Мекка, Қусай, кланы, племена.

Арабистон ярим оролининг Африка ва Осиё қитъалари орасида жойлашуви географик жиҳатдан қулайдир. Унинг аҳолиси кўчманчи ва ўтроқ ҳаёт кечирувчилардан иборат бўлиб, бир неча оилалардан ташкил топган уруғлар қонқариндошлик ришталари орқали ўз навбатида қабилаларни ташкил қилган. Ярим оролнинг ўтроқ ҳаёт кечирувчи аҳолиси эса, қабила тизимини сақлаб қолган бўлиб, оксокол қабила учун масъул эди. Аммо шайхлик ёки саййидлик мерос бўлиб қолмасдан, балки янгиси қабила оксоколлари сайланар эди⁴⁴. Тадқиқотчи Аҳмад Шарифнинг маълумотига кўра, «қабилаларнинг ўзига хос низомлари бўлиб, «асабийя» (қабила бирдамлиги) ақидасини ўз ичига олган. У қабила уруғлари урф-одатларига асосланган ёзилмаган қонун-қоидалардан иборатдир»⁴⁵.

Ислом арафасида Арабистонда икки турдаги ҳукмронликни, яъни мустақил бўлмаган бошқарилувчи подшоликлар ҳамда ҳеч кимга бўйсунмас, мустақил қабила ва уруғ бошлиқларини кузатиш мумкин. Буни тадқиқотчи Г. Э. Фон Грюнебаум ҳам

⁴⁴ Фон Грюнебаум Г.Э. Классический ислам. – М.: Наука, 1988. – С. 15.

⁴⁵ Аҳмад Иброҳим аш-Шариф. Макка ва-л-Мадина фи-л-жоҳилия ва аҳд ар-расул. – ал-Қоҳира. – Б. 49. (Бундан кейин: Аҳмад Шариф Макка ва-л-Мадина).

тасдиқлайди: «Тахминан 16 аср давомида Шимолий ва Марказий Арабистондаги маҳаллий бадавийлар чегара минтақалари ва бошқарув тизимига эга бўлган шаҳар худудларини ҳисобга олмаганда, ҳеч қандай давлат тузилмаларини ташкил этмаганлар»⁴⁶. Бундан ўтроқ ҳаёт кечирувчилар билан кўчманчилар орасидаги муносабатлар деярли ривожланмаган, деган хулосага келиш мумкин.

Қадим ва ўрта асрларга тааллуқли манбаларнинг кўпчилигида Арабистоннинг аҳоли яшайдиган қисми беш ўлка, яъни Яман, Ҳижоз, Тихома, Нажд ва Ямомага бўлинган. Тарихчилар дунёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири деб ҳисоблайдиган Макка юнонларга Макориба номи билан маълум бўлган. Баъзи шарқшунослар Тавротнинг «Борлик» китоби, 30-бобида зикр қилинган Меша шаҳрини Макка билан таққослайдилар. Макка ҳақидаги аниқ тарихий маълумотлар милoddан аввалги бешинчи асрдан маълум бўлиб, Мақораба номи билан Геродот, сўнгра милoddий иккинчи асрда худди шу ном билан Птолемей асарларида тилга олинган. Ахборийларнинг⁴⁷ фикрича, Макканинг энг қадимги аҳолиси жанубдан кўчиб келган. Шаҳар исмининг этимологиясини жанубий Арабистон тилидан кидириш мақсадга мувофиқ десак, у ҳолда Сабо ҳокимларини «мукарриб» деб атаганлар. «Маккараб» бирикмаси «мукаддас», «Раббим уйи» ёки «Худо уйи» маъносини билдирган. К. Брокельманнинг фикрича, жанубий араблар тилида «мукарраб» сўзи ибодатхонани ёки аниқроғи қурбонлик қилинадиган жойни англатиб, оромий тилига «мақораба» бўлиб ўтган.

Макканинг атрофи дарали тоғлар билан ўралганлиги учун шаҳар атрофига девор қуриш зарурати бўлмаган. Уни ташқи ҳужумдан ҳимоя қилиш мақсадида дараларга соқчи кўйилган. Замзам қудуғи қадим замонлардан буён атрофидаги кўчманчи қабилалар ва ўткинчи савдогарлар эътиборини жалб қилган. Шунингдек, у ердаги марказий ибодатхона – Каъбанинг араблар учун мукаддас даргоҳ мақомини олиши ҳам Макка шаҳрини машҳур қилган.

Қадимда Маккада ичишга яроқли сув манбаи йўқлиги, шаҳар атрофидаги ерлар кам унумли бўлгани учун маккаликлар ёмғир сувларини жамғариш ёки бошқа ерлардан сув ва озиқ-овқат маҳсулотларини келтиришга мажбур бўлган. Ҳар йили қишда Яманга ва ёзда Шомга мунтазам уюштириладиган катта карвон сафарлари дастлабки даврларда айни мақсадга хизмат қилган. Келтирилган озиқ-овқат Маккада йилига икки марта – ражаб ва ҳаж ойларида тарқатилган⁴⁸.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, баъзи марказий шаҳарлар маълум бир қабила томонидан бошқарилган. Масалан, Тоифда Сақиф қабиласи бўлса, Маккада

⁴⁶ Фон Грюнебаум Г.Э. Классический ислам. – М.: Наука, 1988. – С. 17.

⁴⁷ «Хабар» жанрида ёзилган араб тилидаги энг қадимги асарлар муаллифлари.

⁴⁸ Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – Б. 35. (Бундан кейин: Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом).

Қурайш қабилалари бошқарувчи эдилар⁴⁹. Унгача эса Хузоъа қабиласи Каъбани 300 йил давомида бошқарган. Макка бошқарувининг хузоалардан қурайшийлар қўлига ўтиши осон бўлмаган. V асрда Қусай ибн Килаб⁵⁰ Макка бошқарувини ўз қўлига олиш учун Қурайш қабиласини жамлаб, Хузоъа ва унинг Бану Бакр қабилаларидан бўлган иттифоқдошларини Маккадан чиқариб юборишга муваффақ бўлган. Унгача қурайшийлар Маккада юқори мавқега эга эмас эдилар. Каъбани бошқаруви улар қўлига ўтгач, Қусай диний раҳномага айланган⁵¹. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Қусай бир вақтнинг ўзида ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятни тўплаган бўлсада, бу мутлақ ҳокимият маъносини билдирмайди.

Макканинг кескин ривожланишида Қусай ва унинг авлодлари амалга оширган ислохотлар муҳим рол ўйнади. Қусай асос солган шаҳар идорасининг маркази – «Дор ан-надва» оқсоқоллар маслаҳат кенгаши (Мало) вазифасини бажарган. Унга Қусай уруғидан бўлган ҳар қандай ёшдаги киши, бошқа уруғлардан эса фақат 40 ёшдан ошган киши аъзо бўлиши мумкин бўлган. Мавсумий карвонлар Доран-надвадан йўлга тушар ва қайтганида моллар яна унинг ҳовлисига қўйиларди. Ҳарбий ҳолатлар эълон қилинган вақтларда «Дор ан-надва» устига Қурайш қабиласининг байроғи тикилган⁵². Қусай ушбу «Маслаҳат уйи»ни тузгач, Маккада ҳажга келаётганларга хизмат кўрсатиш, қабилла бирлигини сақлаш, уруғлар ўртасида хусумат чиқишининг олдини олиш мақсадида Каъбанинг назорати билан боғлиқ «ас-сиқоя» ва

«ар-рифода» лавозимларини жорий қилди:

«Ас-Сиқоя» – Каъбага ҳажга келувчиларни сув билан таъминлаш вазифаси хусусида Қуръонда қуйидаги оят келтирилган: «(Эй мушриклар) сизлар ҳожиларга сув беришни ва Масжид ал-ҳаромни обод қилишни – Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган ҳамда Аллоҳ йўлида курашган зотлар(нинг амалларига) тенг, деб билдингизми?! ... »⁵³.

«Ар-Рифода» – ҳаж мавсумида келган ҳожиларни озик-овқат билан таъминлаш учун Макка аҳолисига махсус солиқ жорий этилган. Буларга аввалдан мавжуд бўлган «риёса», «қиёда» ва «ал-ливо» мансабларини қўшиш лозим.

⁴⁹ Ибн Са'д. ат-Табакот ал-кубро. – Байрут. Ж. 2. – Б. 12; Ал-Балазурий. Ансоб ал-ашроф. – Байрут, 1977. Ж.1. – Б. 34.

⁵⁰ Қусай – Муҳаммад пайғамбарнинг беш авлод узра катта бобоси.

⁵¹ Муборакфурий С. Ар-Раҳиқ ал-маҳтум. – Б. 35.

⁵² Ахмад Шариф. Макка ва-л-Мадина. – Б.111-112; Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. – Т.: Мехнат, 1992. – Б. 16-17.

⁵³ Қуръон, 9:19. Диссертацияда Қуръон оятлари маъноларининг таржимаси А.Мансурга тегишли. Қуръони карим таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.

Тахминан 480 йили, Қусай вафотидан сўнг «Мало» қабила бирлигини сақлаш, уруғлар ўртасида жанжал чиқишининг олдини олиш мақсадида яна 10 та янги лавозимларни жорий қилди:

- 1) «ал-имора» – Каъбада одоб сақлашни жорий қилиш;
- 2) «ал-хижоба» – Каъба дарвозасини зиёратчиларига очиб-ёпиш;
- 3) «ал-машвара» – маслаҳат суди;
- 4) «ал-ашноқ» – хунга тўланадиган молни тўплаш;
- 5) «ал-кубба'» – қабила қурол-аслаҳаси сақланадиган чодир;
- 6) «ал-а'инна» – отлик лашкар қисми;
- 7) «ас-сифора» – бошқа қабилалар билан музокаралар олиб бориш;
- 8) «ал-айсор» – Каъбадаги санамларнинг энг улуғи Хубал олдида камон ўқи билан фол очиш;
- 9) «ал-хукума» – қабила аъзолари ўртасидаги тортишувлар ва низолар бўйича ҳукм чиқариш;
- 10) «ал-амвол- ал-муҳажжара» – худоларга аталган муқаддас моллар.

Мазкур лавозимлар ислом вужудга келиши арафасида қуйидаги 10 та уруғ вакиллари ўртасида тақсимланганди:

- 1) Аббос, Ҳошим уруғидан, Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси (сиқоя);
- 2) Абу Суфён, Умайя уруғидан (қиёда);
- 3) ал-Ҳорис, Новфал уруғидан (рифода);
- 4) Усмон, Абд ад-Дор уруғидан (ал-ливо, сидона, хижоба);
- 5) Язид, Асад уруғидан (машвара);
- 6) Абу Бақр, Тайм уруғидан (ашноқ);
- 7) Холид бин Валид, Махзум уруғидан (кубба, аинна);
- 8) Умар бин Ал-Хаттоб, Оди уруғидан (сифора);
- 9) Савфон бин Умайя, Жумах уруғидан (айсор);
- 10) Ал-Ҳорис бин Қайс, Саҳм уруғидан (хукума, ал-амвол, ал-муҳжара).

Типологик жиҳатдан Макканинг идора усулини эр.ав. VI-V асрларда қадимги Афинада вужудга келган хусусий мулкчилик, қулдорлик, бозор муносабатлари жуда ривожланган шаҳар-давлат, яъни полис тизими билан қиёслаш мумкин. Унда ҳам дастлаб эътиборли уруғлар (филья ва фратриялар) бошлиқларидан иборат аристократия асосий роль ўйнаган. Судхўрлар фаолиятига барҳам берилгач, етакчилик халқ мажлиси (эқклесия) қўлига ўтган. Барча амалдорлар, ҳатто уларнинг энг йириклари – архонлар ва стратеглар ҳам эқклесия томонидан тайинланиб, унга ҳисобот берган.

V-VI асрларда Маккада етакчи бўлган оқсоқоллар кенгаши – Дор ан-Надва шаҳар бошқарувини тўлалигича қўлига олган. Бу икки бошқарувдаги асосий фарқ

шундаки, Афина халқ мажлисида овоз беришда бутун «демос», яъни барча эркин аҳоли иштирок этган бўлса, Макка Дор ан-Надвасида фақат «Мало» – зодагонлар, қабила ва уруғ бошлиқлари қатнашганлар⁵⁴. Шу сабабли Афина тузуми «демократия» деб аталса, мисрлик тарихчи М. М. Нофиъ Макка тузумини «плутократия» деб номлаган⁵⁵.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Қусай «Маслаҳат уйи»ни тузиш орқали Маккада турли уруғлар ўртасида тенгликни сақлаб, тизимли бошқарувни ўрната олган ва қабила бирлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аҳмад Иброҳим аш-Шариф. Макка ва-л-Мадина фи-л-жоҳилийя ва аҳд ар-расул. – ал-Қоҳира.
2. Ал-Балазурий. Ансоб ал-ашроф. – Байрут, 1977. Ж.1.
3. Ибн Са‘д. ат-Табақот ал-кубро. – Байрут. Ж. 2.
4. Муборакфурий С. Ар-Раҳиқ ал-махтум.
5. Нофиъ М.М. Тарих ал-араб. Аср ма қабла-л-ислом.
6. Фон Грюнебаум Г.Э. Классический ислам. – М.: Наука, 1988.
7. Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001.
8. Қуръони карим таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.

⁵⁴ Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. – Б. 148.

⁵⁵ Нофиъ М.М. Тарих ал-араб. Аср ма қабла-л-ислом. – Б. 145.